

9-10-2020

THE IMPORTANCE OF STUDYING SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE IN THE FORMATION OF SCIENTIFIC INNOVATIVE ATTITUDES AT THE AGE OF GLOBALIZATION

N. Sh. Khudaynazarov
researcher of UrSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Khudaynazarov, N. Sh. (2020) "THE IMPORTANCE OF STUDYING SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE IN THE FORMATION OF SCIENTIFIC INNOVATIVE ATTITUDES AT THE AGE OF GLOBALIZATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 31.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/31>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE IMPORTANCE OF STUDYING SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE IN THE FORMATION OF SCIENTIFIC INNOVATIVE ATTITUDES AT THE AGE OF GLOBALIZATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

3. Морихин В.Россияда зобит корпусининг анъаналари.Илмий-тарихий тадқиқотлар.-М;Чегара,2003 йил.ст.102
4. Ҳарбий энциклопедия 8 жилд,-М;: Ҳарбий нашрёт.2004.107-108 бетлар.
5. В. Н. Гребеньков.Тенденции эволюции военной культуры современного российского общества. Москва 2006.ст256
6. Е.Н. Романова. Военная культура и ее основные характеристики.Москва 2008.ст.154

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА ИЛМИЙ ИННОВАЦИОН ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕЪРОСНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.Ш.Худайназаров – УрДУ тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада глобаллашув жараёнининг ижтимоий аҳамияти, унинг жамият аъзолари айниқса, ёш авлод камолотига таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти, ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга таъсир қилувчи омиллари, имкониятлари, шарт шароитлари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Глобаллашув, ёшлар, инновация, дунёқараш, тафаккур, маънавий меърос, таълим-тарбия.

ВАЖНОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ НАУЧНОГО И ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ В ФОРМИРОВАНИИ НАУЧНОГО ИННОВАЦИОННОГО МИРА В СТУДЕНЧЕСКОМ ВОЗРАСТЕ В КОНТЕКСТЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Н.Ш.Худайназаров - научный исследователь УрГУ

Аннотация: В статье анализируется социальная значимость процесса глобализации, его влияние на зрелость членов общества, особенно молодого поколения. В статье также анализируется важность изучения научного и духовного наследия в формировании научно-инновационного мировоззрения студентов, факторы, возможности, условия, влияющие на всестороннее развитие молодежи с социально-философской точки зрения.

Ключевые слова: глобализация, молодежь, инновации, мировоззрение, мышление, духовное наследие, образование.

THE IMPORTANCE OF STUDYING SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE IN THE FORMATION OF SCIENTIFIC INNOVATIVE ATTITUDES AT THE AGE OF GLOBALIZATION

N.Sh.Khudaynazarov - researcher of UrSU

Annotasion: The article analyzes the social significance of the globalization process, its impact on the maturity of members of society, especially the younger generation. The article also analyzes the importance of studying the scientific and spiritual heritage in the formation of the

scientific and innovative worldview of students, factors, opportunities, conditions affecting the comprehensive development of youth from a socio-philosophical point of view.

Keywords: *globalization, youth, innovation, worldview, thinking, spiritual heritage, education.*

Бугунги кунда кўлами ниҳоятда кенгайиб, таъсир даражаси ошиб бораётган глобаллашув жараёни авж олган даврда маънавият соҳасида вужудга келган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоялар ҳамда мафкуралар таъсиридан сақлаш, ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан бири ёш авлодни ўз юртига муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур, юксак ахлоқ ва маънавият, қадимий ва бой маънавий меросимизга ифтихор туйғуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдир.

Глобаллашув феномени илмий, илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Глобаллашув -бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тизим, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Глобаллашув жамият ҳаётининг турли соҳаларига шиддат билан кириб келар экан, ёш авлоднинг дунёқарашини шаклланишига ҳам, унинг ижтимоийлашув жараёнларига ҳам ўзининг кучли таъсирини ўтказаяётганини кўришимиз мумкин. Дунёнинг айрим ҳудудларида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолмоқда. Миллий тараққиёт учун бунинг энг хатарли томони шундаки, тараққиёт йўлига кираётган мамлакатларга кириб келаётган замонавий техника, фан ва технология ютуқлари билан бирга табиийки, юксак тараққий қилган мамлакатларининг маънавий – ахлоқий ва сиёсий қадриятлари ҳам кириб келмоқда. Натижада миллий-маънавий дунёқараш ва ўзига хослик ўзгариб, бир хиллашиб бормоқда. Бундай хуружларнинг оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга қаратилганида намоён бўлмоқда.

Шу сабабдан, глобаллашув очиб берадиган имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда, унинг салбий жиҳатларидан эҳтиёт бўлиш, бунинг учун эса ўзимизда юксак маънавият ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз бизнинг бугунги вазифамиздир, зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи

клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий” [1].

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халқнинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради. Ҳозир бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз ана шундай комил инсонларни тарбиялашга йўналтирилган.

Бу борада бой тарихий меросимизни ҳар томонлама ўрганиш ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жамият ривожига кўмаклашиши шубҳасиз. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил ноябрдаги «Хоразм Маъмун академиясини тиклаш» тўғрисидаги фармони тарих, маданиятни чуқур ўрганиш, фан ривожини, унинг янгиланаётган жамият ҳаётидаги самарадорлигини ошириш истиқболларини белгилаб берди.

Негаки тарихимизда буюк сиймоларимиз томонидан яратилган асарлар, уларда келтирилган таълим-тарбия ва илм-маърифат ҳақидаги фикрлари ҳамда аждодларимиз томонидан қолдирилган бой маънавий қадриятларимиз биз учун ниҳоятда қимматлидир. Бу эса нафақат бугунги кун, айти пайтда эртанги авлодларимизнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган руҳий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар.

Шарқ давлатларида фуқароларни айниқса, ёшларни маънавий жиҳатдан камол топтириш учун икки муҳим нарсани ўзаро уйғун ҳолда қўшиб олиб бориш лозим. Бири – бой маънавий ва маданий меросимизни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, чор Россияси мустабидлиги ҳамда Шўролар истибдоди даврида унутилишга маҳкум этилган қадриятларимизни тиклашимиз, замонамизга мувофиқларидан, давримизда бизга фойда берадиганларидан оқилона фойдаланишимиз керак. Иккинчиси эса, бутун инсоният, хусусан тараққий топган мамлакатларда юзага келган маънавий ва маданий ютуқлардан миллий хусусиятларимиз ва руҳиятимизга мувофиқ келадиганларини ижодий ўзлаштиришимиз лозим. Бу икки хусусиятни ўзаро пайванд қилиш орқасида республикамиз фуқароларини маънавий жиҳатдан камолга етказишнинг замини бунёд этилади. . Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек : “Марказий Осиё ҳудуди Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида бутун дунёга машҳур бўлган. Бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир” [2]

Республикамизда бу борада талайгина ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда. Олайлик, кўп асрлик маънавий ва маданий меросимизни. Давлат мустақиллиги қўлга киритилган кунлардан бошлаб бой маънавий ва маданий меросга ворис халқ эканлигимизни англатиш, бу билан фахрланиш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилди. Улуғ аждодларимиз, улар яратган бебаҳо илмлар, жаҳон фани ва маданиятига беқиёс катта ҳисса бўлиб қўшилган асарларини теранроқ ўрганиш имконияти юзага келди. Юртдошларимиз Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, Маҳмуд Замахшарий,

Хўжа Аҳроп Валий ва бошқа ислом оламининг алломалари ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, уларнинг ўлмас асарлари халқимиз маънавий хазинасига қайтарилди.

Худди шунинг учун ҳам маънавий меъроснинг ёшларни мустақил фикрлаш, ишлаш, яшаш маданиятига эга бўлишида, ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришда умуман олганда жамият тараққиётида ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган кишиларни, илмий ва инновацион дунёқараш шакланган янги авлодни тарбиялаш ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаларидан эканлигини Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президент И.Каримов алоҳида таъкидлади: « Бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо меросининг ўрин ва аҳамияти беқиёсдир» »[3].

Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизнинг улуглайдиган буюк хусусиятлар айна пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очиқ сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик, адолатсизлик каби иллатлардан жамиятимизни халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим. Чунки, бундай ҳолатлар ёшларимизнинг кўз ўнгида содир бўлмоқда ҳамда маънавий-ғоявий тарбиянинг муҳим тамойили бўлмиш “иш ва сўз бирлиги”га жиддий путур етказмоқда.

Шундай экан, ҳар бир ўғил-қизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳалол-поқ, бир сўз билан айтганда комил шахс сифатида тарбиялаш – озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдаги энг асосий шартлардан бири бўлиб қолаверади.

Ёшларда ҳар томонлама етук қобилиятни ва кенг дунёқарашни шакллантириш учун уларнинг вақтини тўғри тақсимлаш, қобилияти ва қизиқишини инобатга олиб бирон касбга йўналтириш муҳим ҳисобланади. Бунда айниқса, бўш вақтни тўғри ташкил этиш, ундан тўғри фойдаланиш масаласига жиддий этибор қилиш зарур бўлади.

илмий адабиётларда бўш вақт масаласи уч турга ажратилиб ўрганилмоқда:

Ижтимоий-фойдали фаолиятга сарфланадиган бўш вақт – ихтирочилик, ҳаваскорлик ижодиёти турлари, ўқиш ва малакани ошириш билан шуғулланиш;

Маънавий – маданий бойликлардан фойдаланишга сарфланадиган бўш вақт – китоб, газета ўқиш, радио ва телевидение кўрсатувларини кўриш, музей, театр, кино, концертларга, кўнги олар жойларга бориш;

Жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш билан шуғулланиш, саёҳат-экскурсияларда бўлиш, санатория ва курортларда дам олиш билан боғлиқ бўлган бўш вақтни тадқиқ қилиш масаласи ҳисобланади.

Аҳоли турли қатламлари, хусусан, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш ва уни ўтказилишида маданий-маърифий муассасалар муҳим роль ўйнайди. Бу соҳадаги вазифалар асосан қуйидагилардан иборат:

– бўш вақтни уюштириш ёшларга ғамхўрликни кучайтириш мақсадларига бўйсундирилиши, уларнинг маънавий эҳтиёж ва қизиқишларига мос келмоғи даркор. Турли ижодий ходимлар билан учрашувлар, халқ сайиллари, театрлаштирилган тамошалар ҳар бир маданият муассасаси фаолиятидан мустаҳкам ўрин олиши керак;

– маданият муассасалари фаолиятида ёшлар талаб ва истаклари, уларнинг ёш, касб-хунар, маълумот даражаларини ҳисобга олиш асосий мезон бўлиши керак;

– кутубхоналар энг яхши китобларни тарғибот-ташвиқот қилиб, одамлар орасида билим зиёсини тарқатиши керак. Китобларнинг ёшлар ўртасида қанчалик кўп ўқилишини, қанча янги ўқувчилар кутубхонага жалб қилинганлигини, китобга бўлган ҳар қандай талаб қанчалик тез қондирилишини, унга қанча китоб берилганлигини, китоб ўқишга ва кутубхонадан фойдаланишга болалардан қанчаси тортилганлигини фахр ва шараф деб билиш, ҳар бир китобнинг завқ-шавқ билан ўқилишига эришиш керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ёшлар маънавий дунёсини миллий ва умуминсоний қадриятларимиз таянган ҳолда шакллантириш ва ривожлантириш учун таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифадисир. Бу вазифалар Интеллектуал аср деб номланаётган XXI асрда ҳар бир соҳа ривожига ва тараққиёти мезони ҳисобланади. Глобллашув шароитида турли шаклдаги, хусусан, “оммавий маданият” кўринишидаги мафкуравий хуружларга қарши кураш жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг муҳим воситасидир. Бир-бири билан чамбарчас боғлиқ маданият ва маънавият инсоннинг инсоният олдидаги, халқ олдидаги, қолаверса, ўзи олдидаги масъулиятидир. Маънавият, маданият одамлар уларда мужассам бўлган қадриятларнинг ҳаётдаги устуворлигини тан олган ҳолда ва уларга амал қилиб яшаганидагина самара беради.

Фойдаланган адабиётлар

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси . Халқ сўзи. 2017 йил 5 август.
2. Мирзиёев.Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. 209 бет.
3. Мирзиёев.Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади.Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 2019.209 бет.

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И	215
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ 10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCES		
38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U	263